САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

Таваллудингизнинг олтмиш йиллиги муносабати билан Хиллари ва менинг самимий қутловларимизни ҳамда умрингиз узоқ ва баракали бўлсин, деган эзгу тилакларимизни қабул айлагайсиз.

Сиз шу табаррук ёшга етган кунларингизда Ўзбекистоннинг 1991 йилдан буён ҳайратга тушарли даражада эришган улкан ютуқларига назар ташлаш учун ўта масъулиятли вазифаларингиздан бирозгина бўлса-да фурсат топарсиз, деб умид қиламан.

Хиллари ўтган йил ноябрь ойида Ўзбекистонга ташриф буюрган чоғида Сизнинг самимий меҳмондўстлик кўрсатганингизни ҳаяжон билан эслайди. Ўзбекистонда унга тақдим этилган ажойиб совғалар учун Сизга шахсан ташаккур изҳор этишдан бахтиёрман.

Янги йил Сиз учун янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат йили бўлишидан умидворман.

Камоли эҳтиром ила,

Уильям Ж. КЛИНТОН,
Америка Қўшма Штатлари Президенти.

БОННДА ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Германия Федератив Республикаси пойтахти Боннда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг немис тилида чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда ГФРда фаолият кўрсатаётган чет эл дипломатлари, давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатчи ва шарқшунослар, ишбилармонлар, бундестаг депутатлари ва журналистлар қатнашди.

Китоб Германияда яқинда чоп этилганига қарамай, у билан кўплаб давлат ва жамоат арбоблари, иқтисодчи ва сиёсатшунослар танишиб чиқдилар. Оддий хорижий китобхон учун бу асар Марказий Осиёдаги ёш давлатни ўзи учун кенгроқ кашф этиш имконини берса, мутахассис учун эса минтақадаги вазият ва жараёнлар ривожининг келгуси истиқболлари аниқ акс эттирилиб, оқилона баҳо берилганлиги билан қадрлидир.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари — республика Президентининг Давлат маслаҳатчилари В. Голишев ва В. Норов, Давлат матбуот қўмитаси раиси Р. Шоғуломов йиғилганларни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг янги асарида қаламга олинган кенг кўламдаги мавзулар билан яқиндан таништириб, китобнинг аҳамияти ҳақида батафсил сўзлаб бердилар.

Маросимда қатнашган Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг давлат маслаҳатчиси, доктор Хартман, Ўзбекистон — ГФР ҳамкорлиги парламент гуруҳи раисининг ўринбосари Эрика Райнхардт, китобни чоп этган «Гъюбир тоннес» нашриёти директори Клаус Дрёгемоллер ва бошқалар Президент Ислом Каримовнинг янги китоби билан бир қаторда Ўзбекистонда сунгги йилларда эришилган ютуқларга, икки томонлама ҳамкорлик истиқболларига комил ишонч билан қараётган давлатимиз келажагига юқори баҳо бердилар.

Сўзга чиққанлар «Ўзбекистон XXI аср бусағасида» асари кўплаб немис муштарийларининг китоб жавонидан муносиб ўрин олишини алоҳида таъкидладилар.

(ЎзА).

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

1998 йил 27 январь, сешанба • № 11 (22.248).

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРНИНГ РОССИЯДАГИ ЭЪТИРОФИ

26 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодий академиясининг фахрий доктори дипломини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тантанали тадбирни иқтисодий академия президенти Виталий Видяпин очиб, юксак илмий унвонни Ислом Каримовга тақдим этиш сабаблари, ўзи раҳбарлик қилаётган илм масканининг тарихи, бугунги кундаги фаолияти ҳақида сўзлади. В. Видяпин давлатимиз раҳбарига Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодий академиясининг фахрий доктори дипломини ҳамда таомил бўйича докторлик либоси ва эсдалик медални тақдим этди.

Президент Ислом Каримов ўзининг Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодий академиясининг фахрий доктори дипломига сазовор бўлиши Россия илмий жамоатчилиги томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасининг холисона эътирофи, халқимиз эришаётган ютуқларнинг муносиб баҳоланишидан далолатлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон мустақиллик йилларида эришган ютуқлар борасида тўхталиб, мазкур натижаларнинг қўлга киритилишида, баъзи МДҲ давлатларида бўлгани каби, «инқилобий сакрашлар» эмас, балки ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш бош мезон қилиб олиниши муҳим аҳамият касб этганини таъкидлади. Шунингдек, Ислом Каримов ислоҳотларни амалга ошириш ва иқтисодий ўсишга эришиш йўлида республика раҳбарияти беш муҳим тамойилга таянганини айтди. Булар — иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат ҳамда эркин бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш. Бу тамойиллар асосида Ўзбекистон ўз моделини яратди ҳамда ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлади. Ўзбекистоннинг ўзига хос бу модели ҳозир хориждаги кўплаб мутахассислар томонидан ўрганилмоқда ва биз ҳақли равишда бундан фахрланамиз, деди Президент.

СУРАТДА: диплом топшириш маросими. Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Ислом Каримовнинг халқаро илмий доираларда катта нуфузга эга бўлган мазкур иқтисодий академиянинг фахрий доктори унвонига сазовор бўлиши Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлар, туб ислоҳотлар самарасининг яна бир эътирофидир, деб таъкидлади В. Видяпин. Россиялик олимнинг эътироф этишича, Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида ялпи ички маҳсулот ҳажми сезиларли ўсаётган ягона давлатдир. Бу борада республикада эришилган кўрсаткичлар МДҲда энг юқоридир. Мамлакат белгиланган мақсадларга етишиш учун изчиллик билан олга одимламоқда. Бунда Президент Ислом Каримовнинг ҳиссаси беқиёс экани эса нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам яхши маълум, деди В. Видяпин. Энди эса, унинг мамлакатда туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, халқ хўжалигини тараққий эттириш, фуқаролар фаровонлигини ошириш йўлидаги хизматлари Россиядаги йирик илм маскани томонидан ҳам муносиб баҳоланди.

Россия илмий жамоатчилиги Ислом Каримовнинг яқинда Москвада кенг жамоатчиликка тақдим этилган «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобига ҳам юқори баҳо берди. Ўзбекистон раҳбарининг Россия иқтисодий академиясининг фахрий доктори унвонига сазовор бўлишида Ислом Каримовнинг ана шу асари ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Россия иқтисодий академияси 1907 йили ташкил этилган. Дастлаб у «Тижорий таълим тарқатувчи Москва жамоатчилигининг Тижорат институти», деб аталар эди. 1991 йилда институт иқтисодий академияга айлантирилди. Ҳозир унинг таркибида молия, маркетинг, банк ва суғурта институтлари, илмий-тадқиқот бирлашмаси, иқтисодий кибернетика, товаршунослик, бошқарув сингари кафедралар, магистрлар тайёрлаш маркази, аспирантура ва докторантура, кўпгина бошқа тузилмалар фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодий академияда 12 минг нафар талаба таҳсил олади. Унда икки юзга яқин профессор ва фан доктори, беш юздан ортиқ фан номзоди меҳнат қилади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, вазирлик, идора, йирик илмий муассасаларнинг раҳбарлари ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Маросимда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А. Пацев ҳозир бўлди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 27 январдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	54,65
1 Австрия шиллинги	6,49
1 Англия фунт стерлинги	136,78
10 Бельгия франки	22,20
1 Голландия гульдени	41,18
10 Греция драхмаси	2,87
1 Дания кронаси	12,00
1 БАА дирҳами	22,14
1 АҚШ доллари	81,32
1 Миср фунти	23,85
1 Ирландия фунти	116,12
1 Исландия кронаси	1,13
10 Испания песети	5,40
100 Италия лираси	4,69
1 Канада доллари	56,12
1 Хитой юани	9,82
1 Қувайт динори	267,50
100 Ливан фунти	5,33
1 Малайзия рингги	18,06
1 Германия маркаси	46,41
1 Норвегия кронаси	11,14
1 Польша злотийси	23,32
10 Португалия эскудоси	4,55
1 Сингапур доллари	46,44
1000 Туркия лираси	0,38
1 Финляндия маркаси	15,35
1 Франция франки	13,86
1 Швеция кронаси	10,35
1 Швейцария франки	57,11
1 ЭКЮ	90,06
10 Жанубий Корея вони	0,49
10 Япония иенаси	6,50
1 Россия рубли	13,51
1 Украина гривнаси	42,53
1000 Беларусь рубли	2,59
1 Эстония кронаси	5,80
1 Латвия лати	136,21
1 Литва лити	20,33
1 Қозоғисон тенгеси	1,06
1 Қирғизистон соми	4,46

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Хитой ва Япония давлат раҳбарларининг амалий-расмий ташрифлари бўйича тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Режага кўра, жорий йилнинг апрель-май ойларида Япония Бош вазири Р. Хасимото Хитойга ташриф буюради. ХХР Раиси Ц. Цземининг Японияга жавоб ташрифи эса шу йилнинг сентябрига мўлжалланган. Мутахассислар бўлажак ташрифлар иккала мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этажагини айтмоқда.

* * *

Тез орада АҚШ пойтахти Вашингтонда автомобилларнинг 56-халқаро кўргазмаси бўлиб ўтади. Унда дунёдаги автомобиль ишлаб чиқарувчи етакчи корпорацияларнинг 500 га яқин янги моделдаги маҳсулотлари намойиш этилади.

Кўргазма залларидан «Жип Айкон» ва «Линкольн»нинг энг замонавий турлари ҳамда «Роллс-Ройс» корпорациясининг 1998 йил учун тақдим этаётган «Парк Уард» русумли янги маҳсулоти, шунингдек, «Мерседес»нинг «Си» ва «Эм» туркумидаги автомобиллари ҳам жой олади.

* * *

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакилининг билдиришича, Африка давлатлари СПИД касаллигининг тарқалиши бўйича дунёда олдинги ўринларни эгаллаб турибди. Айниқса, Жанубий Сахара ва Кот-д Ивуар республикаларидаги аҳвол ташвишланарли даражада. Врачларнинг аниқлашича, бугунги кунда улар аҳолисининг қарийб 10-15 фоизи СПИД асоратида.

Шунингдек, Эфиопия ва Нигерияда ҳам 2 миллионга яқин одам ушбу касалликка чалингани қайд қилинган.

* * *

Ҳадемай 34 ёшли инженер — Педро Дуке фазога учувчи илк испан фуқароси бўлади. Испания саноат вазири Хосе Пике Кампс журналистлар билан бўлган суҳбат чоғида буни расман эълон қилди. Педро Дуке АҚШнинг «Колумбия» космик кемасида америкалик космонавтлар билан бирга парвоз қилади. Парвоз ўн кеча-кундуз давом этади.

* * *

Грециянда сўнгги пайтларда қўпорувчиларга қарши кескин кураш олиб борилаётир. Шунга қарамай, Греция пойтахтида учта қўлбола портловчи қурилма «чанг-тўзон» ясади. Қўпорувчиларга қарши кураш бўйича хизмат вакилининг айтишича, бахтли тасодиф туфайлигина ҳеч кимга зарар етмаган. Айни пайтда, бу иш юзасидан мамлакатда қидирув ишлари олиб борилаётир.

* * *

Испаниянинг Канар оролларида туркумига кирувчи Тенерифе оролида италиялик сайёҳлар келаётган автобус ҳалокатга учради. Натижада 45 киши жароҳатланган. 19 нафар сайёҳнинг ҳаёти ўта оғир, дейилади хабарда.

Маҳаллий ҳокимиятнинг журналистларга маълум қилишича, ҳайдовчи катта тезликда келаётган автобусни бошқара олмаган. Натижада автобус йўлдан чиқиб кетган.

* * *

Япония ташқи сиёсат маҳкамасидан маълум қилинишича, шу йилнинг 24 февралида Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев «кунчиқар мамлакатга» расмий ташриф буюради. Ташриф давомида унинг Япония Бош вазири Ротаро Хасимото билан учрашуви кутилмоқда.

ВАТАН ХАРИТАСИ

Самарқанд вилоят фаолларининг 1997 йилги иш якунлари ва юртбошимизнинг Олий Мажлис ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқида баён этилган хулоса ва кўрсатмалар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни янада жадаллаштиришга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

***

Ўзбекистон Фанлар академияси раёсатида бўлган физика-математика фанлари бўлимининг йиллик йиғилишида олимлар физика ва математика фанларининг долзарб муаммоларига доир маърузалар қилдилар.

* * *

Ўзбекистон Бадиий академияси ва республика Фанлар академияси буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллик юбилейи рамзи (эмблемаси) учун танлов эълон қилди.

Лойиҳалар шу йил 25 февралгача Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов шоҳкўчаси, 40-бинода жойлашган Ўзбекистон Бадиий академиясининг ахборот бошқармасида қабул қилинади.

* * *

Прокуратура органлари ишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, бир қанча вилоятларда, айниқса, Фарғона водийсидаги айрим прокуратуралар фаолиятида, хусусан, тергов ишларини амалга ошириш чоғида ва судларда жиноий ишларни кўриб чиқиш пайтида камчиликларга йўл қўйилган.

Ўзбекистон прокуратураси ҳайъатининг Тошкентда бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида бундай камчиликларни бартараф этиш, 1998 йилда республикамиздаги барча прокуратура органлари ишини яхшилаш тадбирлари белгиланди.

* * *

Сурхондарё вилоят нефть маҳсулотлари таъминоти корхонасида ўтган йили тўланиши лозим бўлган даромад солиғидан 33 миллион 765 минг, қўшилган қиймат солиғидан 18 миллион 195 минг, бошқа тўловлардан 1 миллион 473 минг сўм яширилгани вилоят давлат солиқ бошқармаси ходимлари томонидан яқинда ошкор этилди ва корхонадан, жарималар билан бирга, жами 77 миллион 772 минг 600 сўм бюджетга ундириб олинди.

◆ ***Республика Олий Мажлисининг X сессиясида қабул қилинган қонунлар орасида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга оидлари бор...***

◆ ***ЮНЕСКО эса жорий йилни «Марказий Осиёда экология йили», деб эълон қилди...***

◆ ***Орол денгизи билан боғлиқ муаммолар бутун минтақанинг «оғриқ нуқта»сига айланган...***

МИНГДАН БИР МАЙДОН

Партия ҳаётидан

ХОРАЗМДА ЎРМОН ҲУДУДИ ШУ МИҚДОРДА

Рости, «юқори»нинг кўрсатмаси билан ишлашга ўрганган раҳбарлар йўқ эмас. Бу шўро тузумидан хотира, асорат. Баъзилар «кўтарилган байроқ» ортидан югуришга устамон. Нима демоқчимиз? ХДП Хоразм вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми ўта долзарб масалани муҳокама қилди. Экология, табиат муҳофазаси масаласи. Бу юқорида эслатилган муҳим қонун, тадбирларга «Лаббай!» деб жавоб бериш ёки шошма-шошарлик билан кун тартибига қўйилган масала эмасди. Ҳали ўтган йил бошида вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда шу мазмундаги йиғилиш ўтказиш борасида таклиф бўлган эди...

Пленумнинг асосий маърузасини воҳада сўнгги йилларда шу масала ўртага олиб чиққан муаммоларнинг аниқ таҳлили, дейиш мумкин. Маърузачи — ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ғ. Н. Машарипов йиғилганлар эътиборини шу масалага қаратаркан, қатор далил-рақамларни келтириб ўтиш билан бир қаторда, эътиборли таклифларни ўртага ташлади.

Ичимлик сув сифати долзарблигича қолмоқда. Аҳолининг 64,2 фоизи қувур суви билан таъмин қилинган. Лекин, бу қувур суви таркиби ҳам тиббиёт меъёрларига тўғри келмайди. Натижада айрим хасталиклар билан оғриган беморлар сони ошиб бормоқда. Вилоятда юз эллик мингга яқин транспорт воситаси бор. Уларнинг аксари алмисоқдан қолган. Натижада ҳавони ифлослантириш (80-85 фоизгача) давом этяпти. Мутасадди ташкилотлар ўтказаётган «Тоза ҳаво» операциялари аҳволни ўнглаш йўлидаги тош босмайдиган тадбирларга айланиб қолмоқда. Ёки ҳавони тозалашнинг табиий манбаи бўлган тўқайзорлар-ўрмонларни кўпайтириш масаласи ҳамон ижобий ҳал қилинмаган. Янгибозор туманидаги «Ширинқўғирот» хўжалигида «Табиат боғи» ташкил қилинган. Қўшкўпирлик деҳқон Туркман оға Бобожонов коллекторлар бўйидаги ташландиқ майдонларга минг туп жийда экиб, ўзига хос ўрмон яратган. Янгиариқдаги саксон яшар тажрибали муаллим Қўчқор Жуманиёзов директорлик қилаётган мактабнинг боғига ҳавасингиз келади. Уни ўзига хос «Хоразмнинг Кисловодск»си деб аташади...

Қувур суви олинаётган манба — Капарис сув омборидаги тозалаш қурилмалари тизимини якунлаш, қишлоқ хўжалигида биологик усулни кўпроқ қўллаш, қадимдан довруғ топган балиқчиликни ривожлантириш, бунинг учун кўллар барпо этишни жадаллаштириш каби таклифлар ўртага ташланди. Партиянинг ҳар бир аъзоси, фаолларнинг вазифаси — аҳоли ўртасида экологик тарбия, ташвиқотни кенг олиб бориш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришда намуна кўрсатиш эканлиги қайд қилинди.

Вилоят ўрмончилик хўжалиги бошлиғи О. Қодиров ҳам роса куйинди: «Сўнгги йигирма йил ичида мавжуд тўқайзорлар ҳудуди ўн мартага камайди. Саноат теракчилиги барпо қилишга ҳамма жойда бир хил муносабатда бўлинмаяпти. Агарда давлатимиз мавжуд майдонининг ўндан бир фоизини тўқайзор, ўрмонлар ташкил қилса, бу кўрсаткич Хоразмда мингдан бир нисбатни ташкил қилади. Гап экологик таҳликали минтақа, ҳаво таркиби бузилган ва икки улкан саҳро оралиғида жойлашган воҳа ҳақида кетаётганини айтсак, ташвиш бор бўйи билан кўринади...»

Музокарадан биргина мисол келтирдик. Рақамлар бизнинг она табиатга бўлган муносабатимизни шўро даврига хос бўлган ғубор ҳамон босиб ётганлигидан дарак беради. «Авесто»да «Сув, ҳаво, тупроқни булғаш — қаттиқ гуноҳ!» дейилган. Аммо, шаҳар ва шаҳар русумидаги қишлоқлар аҳолиси ариқ ва зовурларга турли чиқиндиларни ташлашни одатий ҳолга айлантиришган. 3713 та корхона ва ташкилотдан атиги 476 таси вилоят коммунал хўжалиги идораси билан чиқинди-ахлатларни ташиб кетиш борасида шартнома тузишган, холос. Қолганлари эса... чиқиндиларни дуч келган жойга ташлашга урганиб қолишган. Ёки ҳар йили баҳорда ўтказиладиган кўчат экиш ойлигида юқорига жуда ажойиб «рапорт»лар берилади. Масалан, ўтган йили 178 минг туп дарахт экилган. Агарда ҳар йили шу миқдорда экилаётганини айтсак, воҳа аллақачон ўрмонзорга айланиб кетган бўларди. Ёки ҳар киши 5 туп кўчат экиши билан боғлиқ ташаббус ҳам самара бермади. Кўчатлар озми-кўпми экилаяпти, лекин уларни парваришлаш ўз ҳолига ташлаб «жўжа кузда саналганда», товуқхонани «тулки оралагани» маълум бўлиб қолмоқда...

Пленумда сўз олган вилоят ҳокими муовини Тангриберган Дўстжонов масаланинг муҳимлигига эътибор қаратаркан, ана шу ишларни амалга оширишда ҳокимлик тизимлари билан ҳамкорликда иш юритиш, партия фаолларининг бу борада тарғибот-ташвиқотни юқори савияга кўтаришлари зарурлигини кўрсатди. Ҳоким муовини — иқтисодчи олим, профессорнинг шу борада жаҳоннинг ривожланган давлатларида амалиётда бўлган тажрибаларини ўртоқлашиши бизда чуқур таассурот қолдирди.

...Пленум «навбатдаги шунчаки масала»ни ҳужжатларга қайд қилиш учун кун тартибига олиб чиқмабди. Энг муҳими шу!

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШАҲАРЛАР —

1 Мустақил давлатимиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш суръатларини ошириш кўп жиҳатдан турли даражадаги ҳудудий бирликларнинг табиий, иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳиятидан тўғри ва самарали фойдаланишга боғлиқ. Бу соҳада минтақавий сиёсатнинг ўзагини ташкил қилувчи шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари ривожланишини тартибга солиб туриш ва бошқариш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Республикамиз ҳукумати бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 сентябрда қабул қилинган «Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори марказий бошқарув органлари ваколатларининг бир қисмини аста-секин маҳаллий бошқарув тизимига беришга ва уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган.

Ушбу қарор маъмурий—ҳудудий бирликларни — туманлар ва улар ҳудудида жойлашган шаҳарларни ижтимоий—иқтисодий ривожлантиришни мувофиқлаштиришга, мавжуд ишлаб чиқариш ва ижтимоий салоҳиятлардан самарали фойдаланишга, бошқарув тизимини такомиллаштиришга ва қисқартиришга қаратилган. Натижада 27 (33)та вилоятга бўйсунувчи шаҳарларнинг ҳокимият аппаратлари қисқартирилиб, ушбу шаҳар жойлашган туман ҳокимлигига бўйсундирилди.

Агар, мустақилликкача бўлган даврда шаҳарлар ривожланишига бир назар ташлайдиган бўлсак, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда минтақалар ва шаҳарларни мутаносиб ривожлантиришга етарли даражада эътибор берилмади. Асосий саноат корхоналари йирик шаҳарларда барпо этилган бўлиб, кичик ва ўрта шаҳарларда саноат ривожланиш даражаси паст қолаверди. Аксарият кичик шаҳарлар «катта қишлоқ» даражасидан юқори кўтарила олмадилар. Чунки уларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ва йўналишлари шаҳарлар талабига жавоб бермас эди.

Республикамизда 10-15 йил ичида шаҳарлар сонининг

2 салкам 3 марта ошиб кетишининг асосий сабабларидан бири, 1972 йилда махсус қарор орқали шаҳар аҳолисининг энг кам миқдорини 10 минг кишидан 7 мингга туширилишидир.

Бунинг устига қишлоқларга шаҳар мақомини бериш чоғида шаҳар ҳосил қилувчи муҳим омиллар: бандлик ва саноат ривожланиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма билан таъминланиш даражасига етарли эътибор берилмади. Натижада аксарият кичик шаҳарлар хўжалигининг асосини биргина пахта тозалаш ёки бўлмаса консерва заводлари, транспорт ва қурилиш хизмати кўрсатувчи ташкилотлар ташкил этар эди.

Баъзи кичик янги шаҳарларда Россиянинг йирик марказий шаҳарларида жойлашган саноат корхоналарининг филиалларини ташкил қилиниши ҳам кутилган натижани бермади. Чунки, улар маҳаллий шарт-шароитлар ва ишлаб чиқариш ресурслари яхши ҳисобга олинмаган ҳолда қурилди. Бунинг устига, ўзимизда аҳолининг иш билан таъминланиш даражаси ёмон аҳволда бўлишига қарамасдан, аксарият корхоналарнинг муҳандис-техник ходимлари ва ҳаттоки, ишчиларнинг ҳам маълум қисми бошқа республикалардан жалб қилинди.

Натижада, 80-йилларнинг охирига келиб, республикамиз шаҳарлари ва шаҳарчалари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги тафовутлар кескинлашди. 1990 йилда атиги 17 та (аҳолиси 100 мингдан ортиқ бўлган) йирик шаҳарда республикамизда ишлаб чиқарилган ялпи саноат маҳсулотининг 75 фоизига яқини ишлаб чиқарилган бўлса, қолган 200га яқин ўрта ва кичик шаҳар ҳамда шаҳарчаларда 20 фоиздан сал кўпроқ маҳсулот тайёрланди.

3 Бу вазият кичик ва ўрта шаҳарча шаҳарлар аҳолисини иш билан таъминланишига ва турмуш даражасига салбий таъсир кўрсата бошлади. Қолоқ технология ва техник жиҳозлар билан таъминланган мавжуд корхоналар ҳам бозор рақобатига бардош беролмай қолди. Натижада кичик ва ўрта шаҳарларнинг республика саноатидаги улуши янада пасайди. Бу ўз навбатида ижтимоий соҳаларга ҳам салбий таъсир кўрсата бошлади.

Мустақиллик йилларида мавжуд зиддиятларни юмшатиш мақсадида мамлакатимиз минтақавий сиёсатида турли катталикдаги шаҳарларда саноат корхоналарини оқилона жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор берила бошланди. Ҳар бир шаҳарнинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, саноат корхоналарини жойлаштиришга асосий урғу берилмоқда. Бунда, йирик шаҳарларда мавжуд корхоналарни қайта ихтисослаштириш, салоҳияти юқори бўлган кичик ва ўрта шаҳарларда эса иқтисодиётнинг устивор тармоқлари ва кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарни жойлаштиришга катта эътибор берилмоқда.

Мустақиллик йилларида шаҳарлар сонининг сунъий ўсишига тўлиқ барҳам берилди. Шаҳарлар сони 124 тадан 118 тага тушди. Айрим шаҳар талабига жавоб бермайдиган аҳоли пунктлари шаҳарча даражасига туширилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётини белгилайдиган саноат корхоналарини турли катталикдаги шаҳарларга мутаносиб жойлаштиришда бир талай ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу соҳада айниқса Андижон, Хоразм, Фарғона, Тошкент вилоятларида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Тошкент, Олмалиқ,

4 Чирчиқ , Фарғона, Қўқон, Андижон, Наманган шаҳарларидаги мавжуд йирик саноат корхоналарида ички бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда, рақобатбардош кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Ёки бўлмаса меҳнат ресурсларига ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсига бой минтақалар кичик ва ўрта шаҳарларда йирик машинасозлик ва енгил саноат корхоналари барпо этилмоқда. Улар жумласига Тўйтепа шаҳридаги ДЭУ компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган тўқимачилик қўшма корхонаси, Қорақалпоғистондаги «Катекс», «Элтекс» каби корхоналар киради. Фарғона вилояти Тошлоқ шаҳарчасида йилига 13 минг тонна сифатли ип тайёрлайдиган, Хоразм вилояти Гурлан шаҳарчасида йилига 51 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот тайёрлайдиган енгил саноат корхоналари ишга тушурилди.

Айниқса, бу каби корхоналар орасида Асака шаҳрида қурилган «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур корхонанинг ишга туширилиши Андижон вилоятида ва республикамизнинг бошқа ҳудудларида машинасозлик саноатининг ривожланишига туртки берди. Мазкур тармоқнинг кўплаб корхоналарида фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватлари янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаша бошлади.

Минерал-хом ашё ресурсларига бой, лекин иқтисодий жиҳатдан нисбатан кам тараққий этган ҳудудларда қайта ишлаш саноатининг йирик иншоотлари бунёд этилмоқда.

Жумладан, Кўкдумалоқ нефть конденсати кони заҳиралари асосида фаолият юритаётган Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводининг ишга туширилиши

Менда **таклиф** *бор*

ТЕМУРИЙЛАР МАҚБАРАСИ, ДЕБ АТАЛСА

Тошкентдаги туманлардан бири Шайхонтоҳур, деб атала бошланди. Аслида Шайх Ховард Тоҳур ислом динининг тарғиботчиларидан бўлган тарихий шахс, шу туман ҳудудида унинг мақбараси сақланган. Эҳтимол, туман номини Шайх Ҳованд Тоҳур, деб атасак ҳақиқатга яқинроқ бўлар.

Шунингдек, Самарқанддаги машҳур меъморлик обидаларидан бири Гўри Амир, деб аталади. Аслида бунда гўр — қабр эмас, бино кўзда тутилади. Бу бино — мақбара ичида темурийлардан бир неча кишининг саганаси бор. Бино Амир Темур мақбараси, тўғрироғи, темурийлар мақбараси деб, аталиши, ҳамиша шу тарзда ёзилиши керак.

Н. ТУРМУҲАММЕДОВ,
Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.

Хатлар, **хатлар,** *хатлар*

ЁҒСА ЁҒАДИ, ЁҒМАСА...

Тунов куни эрталаб ишга келгач, радиони қўйдим. Мусиқа ва қўшиқ садоларидан сўнг, об-ҳаво маълумоти эълон қилинди. Унда ёғингарчилик бўлмаслиги айтилди. Ташқарида эса қор лопиллаб ёғаётганди. Ишхонамдаги меҳмон: «Ҳеч бўлмаса ташқарига қараб, қор ёғади» демайдими, деб кулди.

19 январь куни тунги ахборотда ҳам «20 январда Тошкентда қор ёғади», дейилди. 20 январь эрталаб «Ассалом, Ўзбекистон» мусиқали кўрсатувда ҳам Тошкент шаҳри ва вилоятларда қор ёғиши эълон қилинди. 20 январь куни кечгача қарадим, қор ёғмади. Сешанба куни кечқурунги «Ахборот»да ҳам қизгина пойтахтда чоршанба куни вақти-вақти билан қор ёғади деди. Аммо...

Хуллас, нима демоқчи эканлигимизни билган бўлсангиз керак. Ҳар доим телевизор қаршисида ўтирган киши у деҳқонми, ёки бошқа бировми, кечқурунги «Ахборот» кўрсатувига кўз тикади. Унинг сўнггида, эртанги бўладиган об-ҳавони тинглайди. Шунга қараб режасини тузади. Аммо, аксарият ҳолларда об-ҳаво тўғри бўлиб чиқавермайди. Ёғингарчилик бўлмайди, деган кун қор ёки ёмғир ёғади. Бўлади, деганда осмонда қуёш нур сочади...

Мамлакатимиз об-ҳавони кузатиш маркази ходимларининг ҳам ишда янгиланиш ясаш вақти етмадимикин?

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЧИРОҚЧИДА ЧИРОҚ МУАММОСИ»

Газетанинг 1997 йил 20 декабрь сонида чоп этилган «Чироқчида чироқ муаммоси» сарлавҳали танқидий мақола юзасидан Қашқадарё вилояти ҳокимлигидан жавоб олинди. Унда хусусан, шундай дейилади:

Вилоят ҳокимлиги Чироқчи туманидаги «Қалқама» жамоа ширкат хўжалигида жойлашган А. Навоий номли мактаб ўқитувчиларининг «Ўзбекистон овози» рўзномасига ёзган арзини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Вилоятимизга ажратилган суюлтирилган газ ҳар бир хонадонга бир йилда ўртача 10 килограммдан тўғри келади. 1998 йил учун суюлтирилган газ фондини ошириш масаласи кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, Чироқчи туманига бериладиган суюлтирилган газ миқдорини ошириш ҳам кўзда тутилган. Бундан ташқари, ўқитувчиларга бериладиган имтиёзли суюлтирилган газ учун бюджет маблағларининг вақтида тўланмаётганлиги аниқланган ва уни ўз вақтида тўлаб бериш чоралари кўрилди.

Электр энергияси таъминотидаги узилишлар электр энергиясининг чекланганлиги туфайли электр тармоқлари корхонаси ва маҳаллий ҳокимлик билан келишилган ҳолда белгиланган тартиб асосида олиб борилмоқда.

Туман миқёсида газ ва электр энергияси таъминотини яхшилаш, маблағ билан таъминлаш масаласини Чироқчи тумани ҳокимлиги ўз назоратига олди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари
Т. КАРИМОВ.

ҚИШЛОҚ ОБОД БЎЛСА, МАМЛАКАТ ҲАМ ОБОД

Йўлбошчимиз Олий Мажлиснинг X сессиясида сўзлаган нутқларида қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ одамларини ишбилармонликка ўргатиш хусусида жон куйдириб гапирдилар. Қишлоқ обод бўлса, мамлакат ҳам обод бўлади, деган фикрлари қишлоқларимиз имкониятлари нақадар кенг эканлигини кўрсатади. Баъзан, қишлоқда ҳаёт кечириш оғир бўлиб қолди. Шунинг учун ёшлар шаҳарга иш излаб кетишяпти, каби гап-сўзлар қулоққа чалинади. Аслида ҳам шундайми? Қишлоқда яшаш, турмуш кечириш, меҳнат қилиш оғирми?

Йўқ, назаримда, одамларимизда давр руҳини идрок этиш ҳисси етарлича шаклланмаётганга ўхшайди. Қишлоқда яшаш эмас, ялқовлик, боқимандалик кайфиятидан воз кечиш қийин бўляпти. Вазиятни тўғри баҳолай олган киши ундан чиқиш йўлларини ҳам тўғри топа олади. Ялқов одам Ўзбекистондагина эмас, ҳатто Америкада ҳам яхши яшай олмайди. Тадбиркор киши эса энг қолоқ ерда ҳам ўзига яхши турмушни яратиб олиши мумкин. Худога шукрки, юртимизда америкалик ишбилармонлар ҳам ҳавас қилгулик тадбиркорлар кўп.

Денов туманининг Ислом Тураев номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Абдураҳмон ака меҳнат туфайли ўз рўзғорида фаровон турмушни ярата олди. Ишбилармонлиги туфайли эл-юрт олдида юзи ёруғ. У чорвадор, боғбон... Қачон кўрманг, ё лимонзор, ё молхонада бўлади. 25 сотих иссиқхонада лимон, апельсин, мандарин етиштиради.

Янги замон одами

— «Боғ»дан ҳар йили 4—5 тоннагача ҳосил оламиз, — дейди у. — Бу аввало, дастурхон кўрки. Қолаверса, меҳмон, қўни-қўшни дегандай. Ортганини бозорга чиқарамиз.

Қўрада қўчқорлар, қўйлар. Уларни йилига 3-4 мартагача «оборот» қиламиз, яъни етилганларини сотиб, ўрнини қўзичоқлар билан тўлдириб борамиз. Ҳар қўчқордан 5—7 минг сўмгача фойда бор. Сўқимга боқиладиган ҳўкизлар, соғин сигирлардан яна ҳам кўпроқ фойда олинади.

Абдураҳмон Тўраевнинг оиласи бозордан гўшт, сут-қатиқ, мевачева, ҳатто полиз маҳсулотларини ҳам сотиб олмайди. Барчаси оила-аъзоларининг меҳнати туфайли етиштирилади. Бу ерда ҳар бир оила аъзосининг белгиланган ўз иш-юмушлари, кун тартиби бор. Ҳамма уни бузмасликка ҳаракат қилади. Ҳатто ёш фарзандлар ҳам мактабдан кейин кўча-кўйда беҳуда ўйнаб юрмайди. Телевизор ҳам маълум соатлардагина кўрилади. Бу гапларни биз секингина айтаяпмиз. Аммо бундай қоидаларга ҳар куни, ҳар соатда риоя этиш учун инсонда ички интизом, ички тартиб бўлиши зарур.

— Бажаришим лозим бўлган юмушларни бир кунда бажаришга вақт етмайди, — дейди Абдураҳмон ака. — Ҳар куни тонг соат тўртда уйғонаман. Аввал молларга, қўю сигирларга қарайман. Ем-хашак бераман. Отни алоҳида парваришлайман. Унда чавондозлар кўпкари чопишади. Йигитга у обрў келтиради. Иссиқхонадаги лимон, апельсин, мандаринларга ҳам ҳар куни меҳр керак. Ўғит, сув, иссиқлик... дегандай. Бу пайтда болаларим ҳам ёнимда бўлади. Улар боғдорчиликдан, чорвадан хабардор бўлиб ўсаётганлари мени қувонтиради. Болаларимни шу нарсаларга қизиқтира олдим. Чорвадору деҳқон ҳеч қачон кам бўлмаган. Меҳнат — зўр табиб. Далага чиқиб боғ ораласангиз, бирингиз икки бўлаверади. Дастурхонимизга ҳам қут-барака киради.

Абдураҳмон Тўраев шеър ёзади. Дутор чертади. Расм чизади. Энг қизиғи, болаларини ҳам шунга ўргатади. Мен ҳайрон бўлиб: «Бунча нарсага қачон ва қандай улгурасиз», деб сўрадим. У киши жилмайиб: «Кам ухлайман, кеч ётиб, эрта тураман», — деди, холос.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Асака шаҳридаги «ЎзДонгвон» қўшма корхонаси ишчиси Муроджон Орзиев.

Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

ЁШЛАР КЛУБЛАРИ НИМА?

Туман партия кенгаши бошланғич партия ташкилотларида «Ёшлар клублари» фаолиятини кенгайтириб боришга алоҳида эътиборни қаратяпти.

Ёшлар клублари асосан тумандаги Ирригация ва сув хўжалиги олийгоҳида, Тошкент трактор заводида, Тошкент технология техникумида турли шаклларда фаолият кўрсатмоқда: шулардан ёш партия аъзолари учун «Сиёсий университет», «Доимий ҳаракатдаги семинар», «Ёш ўқитувчи ва болалар боғчаси ходимлари учун», «Маънавий-маърифий ва илм-фан дунёси ассамблеяси», ёш тадбиркор ва ишбилармонлар, якка тартибда фаолият кўрсатувчи ёшлар учун эса «Думалоқ давра»ни тилга олсак арзийди.

Бу клубларнинг 500 нафар тингловчилари бўлиб, уларнинг кўплари 30 ёшгача бўлган партияли ёки партия ишига хайрихоҳ бўлган ёшлардан иборатдир.

Ёшлар клубларининг ўқув дастурларидаги мавзулар эса ранг-баранг. Уларда нега одам гавжум бўлади, деб сўрасангиз, бу ерда

ХДП хабари

сиёсий, маънавий, маърифий мавзулардаги бир қатор учрашув ва тадбирлар ўтказилиши тингловчилар сонининг кўпайишига сабаб бўлди. Масалан, технология техникумининг «Ёшлар клуби»да (раҳбари Ботир Сафоев) нафақат ёшларга сиёсий билимлар бериш, балки бу ерда ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш бўйича маиший хизмат кўрсатиш бўлимлари ишини жонлантиришга ҳам эътибор катта. Унда бичиш-тикиш, этикдўзлик, пойабзал таъмирлаш ишларини ёшлар клубининг аъзолари, талабалар уддалашмоқда.

Бундай клублар фақат билим масканларидагина эмас, балки ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам ташкил этилган.

Шулардан бири Тошкент трактор заводи қошидаги «Ёшлар клуби»дир. У айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбияни яхшилаш ва уларнинг бу борадаги билимларини ўстиришга доир маърузаларга лекторлар гуруҳини жалб этиб, яхши иш қилмоқда.

Шунингдек, туманда келажакда жисмоний тарбия олийгоҳи, 6-касб-ҳунар лицейида ҳам «Ёшлар клуби»ни ташкил этиш мўлжалланмоқда...

Мукаррамхон ТОЛИПОВА,
Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек тумани кенгаши мафкуравий ишлар бўлимининг мудири.

ОИЛА ЙИЛИ

Жарқўрғон туманидаги Т. Шобуров номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Бобон Суюнов оиласи ўзининг 40 сотихлик томорқасидан йилига икки, ҳатто уч марта сабзавот маҳсулотлари олмоқда. У ўтган йили салкам 500 минг сўм соф даромадни қўлга киритди.

СУРАТДА: Бобон ака рафиқаси Бибинисо опа билан.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

БИРОВНИНГ

«Қашқадарётранс» давлат-ҳиссадорлик бирлашмаси, шахсан унинг бошлиғи Толиб Ҳолиқов бизни таҳқирлаш, хўрлаш билан машғул бўлди. Мени ишдан бўшатди, ходимларни жазолади. Айбим бўлса ҳам майли эди, ҳеч қандай асоссиз, ғайриқонуний тарзда — таҳқирлаганига чидай олмаяпман. Сизлардан илтимосимиз шуки, бизни хўрлаган, ноқонуний буйруқ чиқариб, иши билан сўзи тўғри келмайдиган ана шундай бюрократлар башарасини элга очиб кўрсатасизлар, деган умидда Сизга — тўртинчи ҳокимият вакилларига — адолат ва ҳақиқат истаб мурожаат этяапман».

Қарши автошоҳбекатлар бирлашмаси бошлиғи Абдураҳмон Сайлиевнинг шикоят хатидан.

Шикоят хати билан танишиш жараёнида Абдураҳмон Сайлиевнинг бизга йўллаган арзи рост ва ҳақ эканлигига амин бўлдик.

Мана, қўлимизда ўша 1997 йил 20 август куни чиқарилган № 4/107 сонли буйруқ. Остида Холиқовнинг имзоси. Аммо, шикоят хати, ҳақиқий аҳвол ва буйруқ — бир-бирига зид. Аниқроғи, текширувлар ҳам, ўтказилган тафтиш ва буйруқ ҳам битта ғараз мақсадга — Абдураҳмон Сайлиевни «орадан кўтариб ташлашга» қаратилган. Бу гапимиз учун қўлимизда етарли асос бор.

Шикоят хати текшириш жараёнида мазкур буйруқни бандма-банд ўрганишга ҳаракат қилдик. Баъзи «тишимиз ўтмаган» жиҳатларига қонуншунослар ёрдам беришди.

Буйруқнинг 15-бандида шундай жумла бор: —Тафтиш жараёнида 38 та хазиначи 102332 сўм 53 тийин камомадга йўл қўйган, шундан 101539 сўми улардан ундирилиб, хазинага кирим қилинган.

Абдураҳмон Сайлиев эса бизга бирлашмада юритиб борган «Камомадлар дафтари»ни тақдим этди, танишдик. Ҳақиқатдан ҳам хазиначилар ана шунча миқдордаги камомадга йўл қўйишган. А. Сайлиев эса елиб-югуриб, неча бирлари билан яхши-ёмон бўлиб, бу пулни хазинага кирим қилдирган. Қинғирлик йўлига кирган хазиначиларга эса жазо чоралари қўллаган.

Тафтишчи Хушвақтов эса тайёр далилни Абдураҳмон Сайлиев учун дастак вазифасида ишлатган.

Бу ноҳақликни эса на тафтиш асосида 7 саҳифадан иборат маълумотнома тайёрлаган «Қашқадарётранс» ДАБ назорат ва меъёрлаштириш бўлими бошлиғи М. Бегматов, на ҳалол ишлаб турган одам ҳаром ишлаяпти, деб ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруққа имзо чеккан Холиқов сезган. Буйруқнинг бошқа бандлари ҳам ғараз ниятда тайёрланган.

Буйруқнинг 6-банди: 1995—1996 йиллар ҳамда 1997 йил учун молия режалари ва жамоа шартномалари тузилмаган.

Бу ҳам ёлғон асосида ёзилганлигига гувоҳ бўлдик. Ўйлаб кўринг: фаолият юритаётган ташкилот, молия режасисиз, меҳнат шартномасисиз ҳам ишлаши мумкинми? Бу ерда оддийгина мантиқ йўқ.

Буйруқнинг 5-банди эса шундай сўзлар билан якунланган: «1995 йилда 1996 йилга нисбатан меҳнат унумдорлиги 148,2 фоизга ўсган бўлсада, ўртача иш ҳақи 185,0 фоизга ошган бўлиб, иқтисодий қонуният муносабатлари бузилган».

Маълумотномада ҳам, буйруқда ҳам — автошоҳбекат бирлашмасига қарашли 15 та бошбекат ва автокассалар ишининг яхши эмаслиги алоҳида қайд қилинган. Пировардида, ана шу камчиликлар А. Сайлиевни ишдан олиш учун асос бўлган. Аслида-чи?

Тўғри, автокассаларда ҳам, шоҳбекат-у бошбекатларда ҳам камчиликлар бор. Тан олиш ке-

ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

5 республикамиз ёқилғи- энергетика мустақиллигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур корхона йилига 5,5 млн. тонна нефтни қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, мамлакатимизнинг шу турдаги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжининг ярмидан ортиғини таъминлаши мумкин.

Қўнғирот сода заводи ош тузи ва оҳактошдан иборат хом ашё, етарли даражада жиҳозланган коммуникация воситалари базасида ташкил этилмоқда. Заводнинг йилига 210 минг тонна каустик ва кальцийли сода ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган биринчи навбати 1998 йилда ишга туширилиши керак. Корхона қурилиши билан бир вақтнинг ўзида келажакда 16 минг аҳоли яшайдиган бутун бошли бир шаҳарча бунёд этилмоқда. Бу Оролбўйи ҳудудидаги қулай яшаш шароитига эга бўлган биринчи шаҳар бўлади.

Улардан ташқари, ушбу минтақаларда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг қувватларини ошириш натижасида ҳам ҳудудлардаги мавжуд шаҳарларнинг иқтисодий салоҳияти янада юксалмоқда. Бундай корхоналарга Зарафшон—Нъюмонт қўшма корхонаси, Муборак газни қайта ишлаш корхонаси кабиларни кўрсатиш мумкин. Агар,1990 йилда Муборак газни қайта ишлаш корхонасида 16 млрд. куб. м. газ қайта ишланган бўлса, яқин йилларда унинг қуввати 2 мартага ортади ва шу турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги энг йирик корхоналардан бирига айланади.

Республикамиз иқтисодий қувватини оширишда, чет эл сармояларини кўпроқ жалб қилишда, фойдаланилмай ётган табиий бойликларни ўзлаштиришда янги қурилаётган инфратузилма масканларининг аҳамияти жуда катта. Бу соҳада айниқса янги темир ва автомобиль йўлларининг қурилиши муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Учқудуқ—Тўрткўл—Султон Увайс ва Ғузор—Бойсун—Қумқўрғон темир йўл тармоқлари шундай қурилишлар жумласига киради. Келгусида мазкур иншоотларнинг ишга туширилиши нафақат иқтисодий ривожланиши паст бўлган жанубий вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш билан бир вақтнинг ўзида урбанизация жараёнининг жадаллашувига ҳам олиб келади.

Маълумки, Ўзбекистон аҳолисининг 62 фоизи қишлоқларда яшайди. Лекин қишлоқ хўжалиги аҳолини тўлиқ иш билан таъминлаш имкониятига эга эмас. Аксинча бу соҳада "ортиқча" банд ишчи кучи мавжуд. Шу сабабли ҳам республикамиз Президенти И. Каримов ушбу муаммони ҳал этишга катта аҳамият бермоқда. Президент республика Олий Мажлисининг X сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек: "Қишлоқ хўжалигидан бўшатилган ортиқча ишчи кучларини қайси хизмат турларига жалб этиш мумкин?... Бу — автомобилсозлик каби индустриянинг янги соҳалари. Бу — машинасозлик, нефть-газ саноати. Бу—халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш тармоқлари. Бу—қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш билан шуғулланадиган тармоқлардир. Лекин, энг асосийси — бу хизмат кўрсатиш тармоғидир."

Бу муаммоларни ҳал қилишда ҳам шаҳарлар катта имкониятга эга. Айниқса, аҳоли зич жойлашган ҳудудлардаги кичик ва ўрта шаҳарлар ёки бўлмаса йирик қишлоқларда янги саноат корхоналарини барпо қилиш, ижтимоий инфратузилма соҳасини ривожлантириш ҳисобига қисман атроф қишлоқлардаги меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш мумкин.

Лекин шаҳарлар ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, улар ўртасидаги тафовутларни камайтириш соҳасида содир бўлаётган ижобий ўзгаришларга қарамасдан, баъзи бир ечимини кутаётган муаммо ва вазифалар ҳам мавжуд.

Баъзи ҳолларда аҳоли пунктларига саноат корхоналарини жойлаштиришда бир томонлама ёндошувга йўл қўйилмоқда, етарли даражада иқтисодий, ижтимоий, техникавий, технологик жиҳатдан асосланмаган объектларни қуриш режалаштирилмоқда. Бундай корхоналарни қурилиши ўз навбатида минтақалар ва шаҳарлар ўртасидаги мавжуд номутаносибликларни яна ҳам кучайишига олиб келиши мумкин.

Шў нуқтаи назардан, айниқса, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси шаҳарларининг аксарияти бошқа минтақаларга нисбатан сезиларли даражада орқада қола бошлади. Бу жараёнлар ўз вақтида олди олинмаса, йиллар давомида тўпланиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммолар янада чуқурлашиб кетиши мумкин.

Ҳозирги пайтда республикамиз иқтисоди ривожланишида жаҳоннинг илғор мамлакатлари тажрибасидан кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, шаҳарларни мутаносиб ривожлантиришни тартибга солиб туришда ривожланган давлатлар тажрибасидан маҳаллий шароитимиздан келиб чиққан ҳолда унумли фойдаланиш ижобий натижалар бериши мумкин. Айниқса, АҚШ, Франция, Литва ва бошқа бир қанча давлатлар тажрибаси диққатга сазовордир. Масалан, 70- йилларнинг бошида АҚШда саноати суст ривожланган 232 та шаҳар танлаб олиниб «ривожланиш марказлари» деб эълон қилинган эди. Уларнинг ичида фақатгина 10 та шаҳарнинг аҳолиси 100 минг кишидан ортиқ бўлган, 113 та шаҳарнинг аҳолиси эса 25 минг кишидан кам эди. Натижада қисқа вақт ичида мамлакатда янги кичик саноат марказлари пайдо бўлди.

Ҳозирги пайтда республикамиздаги бир неча илмий муассасаларда шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва лойиҳалаш муаммолари ўрганилмоқда. Бизнинг фикримизча, мазкур муассасалар томонидан мамлакатимиздаги барча шаҳар ва шаҳарчаларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва салоҳиятларини комплекс баҳолаш, келажак ривожланиш имкониятларига кўра уларни гуруҳларга ажратиш ва шу асосда давлат Дастури қабул қилиш учун замин тайёрланиши зарур.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мустақиллик йилларида мамлакатимизда кам тараққий этган минтақалар, кичик ва ўрта шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Айни пайтда, мамлакатимиз шаҳарлари ривожланишидаги муаммолар шу қадар чуқурлашиб кетганки, уларни қисқа вақт ичида тўлиқ бартараф қилиб бўлмайди. Бу узоқ вақт давом этадиган жараёндир.

Авазхон СОДИҚОВ,
Сайидфозил ЗОКИРОВ,
иқтисод фанлари номзодлари.

Мустақиллик уфқлари

Қадимий шаҳар Таллин. **Мақсуджон ҲУСЕЙНОВ олган сурат.**

Солиқ қонуни лойиҳасига норозилик

Грециянинг кўпгина муассаса ва ташкилотлари ишчилари 24 соатлик ялпи иш ташлашга қарор қилгани натижасида мамлакат алоқа ташкилотлари, давлат энергетика корпорацияси ва банкларда иш тўхтаб қолди. Айрим шаҳарларда жамоат транспорти ҳаракатлари ҳам тўхтади. Мамлакат «Олимпиаки аэропория» ҳаво компанияси самолётларининг ҳамда давлат темир йўл транспорти бошқармаси поездлари ҳаракати қисқарди.

Касаба уюшмалари Греция парламенти эълон қилган солиқлар тўғрисидаги янги қонун лойиҳаси қоидаларига норозилик тариқасида ушбу иш ташлашни уоштирдилар.

Ишбилармонлар четга камроқ чиқади

Жанубий Корея ташқи ишлар вазирининг матбуот котиби Лю Гю Хен мамлакатда юзага келган иқтисодий буҳрон ва ташқи сиёсат маҳкамаси бюджет харажатлари қисқаргани сабабли хориждаги дипломатия вакиллари ҳамда чет .элларда фаолият кўрсатаётган кореялик ишбилармонлар сони қисқартирилиши мумкин эканини айтди. Шунингдек, хорижий мамлакатларга хизмат сафарларини ҳам 10 фоизга камайтириш мўлжалланмоқда.

Йўлдош разведка хизматининг маълумоти

АҚШ йўлдош разведка хизматининг маълумотига қараганда, айни вақтда Колумбия 75200 гектар ноқонуний равишда экилган гиёҳванд модда — кокаин плантициялари мавжуд экан. Якунланган йилда мамлакат полиция маҳкамаси 40 минг гектар кокаин майдонларини йўқ қилган. Ушбу гиёҳванд моддалар заҳарли химикатлар билан қайта ишланиши натижасида Колумбия атроф муҳитига ҳам жиддий зарар етмоқда.

НОҒОРАСИГА ЎЙНАБ...

Ё, тавба

ракки, Абдураҳмон Сайлиев бирлашмага бошлиқ бўлмасдан олдин бундан ҳам кўп эди. Ўтган 2 йилда тармоқ ишида жуда катта ўзгаришлар, янгиликлар бўлди. Буларнинг кўпи Т. Ҳолиқов номи билан эмас, Абдураҳмон Сайлиев номи билан боғлиқ. Биз жойларда бўлганимизда, бошбекат бошлиқлари, йўловчилар бу ҳақда самимият билан гапириб беришди.

«Мен Нормўминов Илҳом Косон автобошбекатида бошлиқ бўлиб ишлайман. Нарх-наво ошиб, хусусий таксилар кўпайиб кетганлиги боис 1996 йил май ойидан бошлаб йўловчилар бошбекат биносига келмай қолишди. Режалар барбод бўлди, пул тушуми кескин камайди. Бу оғир аҳволни ўрганиш учун автошоҳбекат бирлашмаси бошлиғи А. Сайлиев келиб, Косондаги ҳақиқий аҳвол билан атрофлича танишди. Туман раҳбарлари билан келишиб, бошбекатни туман мудофаа бўлими биноси ёнига кўчиртириб келди. Бошбекат энг гавжум ерга айланди. Пул тушуми олдингига нисбатан анча ошди».

(И. Нормўминовнинг тушунтириш хатидан).

«Бизнинг туманга ҳам Сайлиев кўп марта келиб, амалий ёрдам берган. Талабчан, ташаббускор, ишлаб чарчамайдиган йигит. Сўнгги пайтларда негадир Сайлиевни текшир-текшир кўпайиб кетди. Ҳатто, бизга ҳам ишлашга имкон беришмаяпти. Айниқса, «Қашқадарётранс» бирлашмасидан М. Бегматов билан Т. Мўминовлар келишиб, асабимизга тегишгани-тегишган, ҳатто, ёзган далолатномаларини ҳам бизга кўрсатишмайди. Албатта, бу ғаразликдан бошқа нарса эмас».

(У. Юсупов тумани автобошбекати бошлиғи Пирнияз Боймуродовнинг тушунтириш хатидан).

1997 йилда «Қашқадарётранс» ДАБ назорат ва меъёрлаштириш бўлими назоратчилари текшир-текшир ишларини шу даражада авж олдириб юборишдики, ҳатто, баъзи ҳолларда инсонийликка зид бўлган ишлар қилишгача бориб етишди...

Касби автобошбекати бошлиғи Ҳ. Муқимов ёзган тушунтириш хатини ўқисангиз, «Қашқадарётранс» бирлашмаси назоратчилари томонидан содир этилаётган қонунсизликларни эшитиб, ёқа ушлайсиз. «Ўзи хон, қўланкаси майдон» бўлган бу назоратчилар кимнинг эркатойи, наҳотки, ҳуқуқий-демократик давлат қуришдек адолатли йўлда учраётган бу «тўғаноқ»ларни тартибга чақирувчи киши йўқмикан, деб ўйлаб қоласиз?..

«1997 йил 28 июнь, соат бирлар эди. М. Бегматов ва Т. Мўминовлар келишиб, менга ҳеч нарса демасдан, бирор бир ҳужжат ҳам кўрсатмасдан бошбекатни текшира бошлашди. Мен эса одоб юзасидан қўлимдаги мавжуд ҳужжатларни кўрсатдим. Бир чоғ хазинахонага кирсам, Мўминов Тўлқин хазиначи Ш. Исомовга дўқ-пўписа қилиб, ундаги пулларни олаётган экан. Т. Мўминовнинг қўлидаги пулларни қайтариб олиб, менинг рухсатимсиз хазинани текширишга ҳаққи йўқ эканлигини унга тушунтирдим...».

Ана шунақа ҳангомалар!

«Қашқадарётранс» бирлашмаси бошлиғи Т. Ҳолиқов адолатсизлик қилди. Айни пайтда ҳам бирлашманинг ўзбилармон назоратчилари қаерлардадир яна бирорта сценарий асосида «синалган» усулда «ижод» қилишаётган бўлса не ажаб...

Бахтиёр АРАБОВ.
Қашқадарё вилояти.

КОИНОТНИ КЎЗЛАГАН ЎҒЛОН

Шу кунларда ўзбек ўғлони халқаро парвозда иштирок этмоқда. Американинг олис Хьюстон шаҳридан телефон қўнғироқлари бўлиб турибди. Гўшакни кўтарганим ҳамон ўша таниш, ўша илиқ овозни ҳис этаман. «Ассалом, дўстим! Омонмисан, Солижон!», дейман. Суҳбатимизга замонавий алоқа воситаси ҳам тор келгандай бўлади.

Майор Солижон Шарипов билан танишганимга саккиз йилдан ошди. Мен унинг оиласи, дўстлари билан иноқлашиб кетганман. Ҳар йили таътил кунлари албатта, меҳмоним бўларди. Бу safar эса ана шу «одат»ни канда қилишга тўғри келади. Бунинг сабаблари бисёр. Боиси, ўтган йилнинг августида уни Коинотчилар шаҳарчасидан АҚШга кузатишган. Болаликдан осмонни орзу қилган бу йигитнинг шу йилда биринчи марта коинотга учиши режалаштирилганди.

Бу парвозга Россия космик агентлиги билан АҚШнинг НАСА — аэронавтика ва коинотни тадқиқ этиш бўйича миллий бошқарманинг ҳамкорликдаги қарори билан асос солинган. Коинотга «Спейс шатлл» кемасининг 89-парвози билан «Мир» станциясида икки ҳафталик режани амалга ошириш кўзда тутилган.

Солижон Шарипов Ўш вилоятининг баҳаво Ўзган шаҳрида таваллуд топган. У кўп болалик ўзбек оиласида улғайган. Саккиз нафар ака-сингилнинг тўртинчиси. Отаси Шокиржонхожи умр бўйи меҳнат завқини суриб келаётганлардан. У дурадгор, слесарь, деҳқон, боғбон бўлиб, нафақа ёшига етгач, Ўзган бозорида тарозибонлик қилмоқда. Солижонни ҳақиқий инсон бўлиб камол топишида меҳрибонлик кўрсатган онаси Турғуной опа эса болаларига ҳамиша парвона бўлди. Зеро, муштипар она тўртинчи фарзандини самога маҳлиё бўлиб қолишини кутмаган бўлса керак. Солижон болаликда паст парвоз қилаётган қўш қанотли «АН-2»ни кўрдию юлдузлар уммонига ошуфта бўлди-қўйди. Ўқиганда ҳам ўзи билмаган ҳолда математика, физикада «илғор» бўлди. Ўзбек, қирғиз, рус, улғайгандан кейин инглиз тилини ўрганди.

Мактабни битирган йигитча Оренбург авиация билим юртини ҳавас қилди. Бу ерда Юрий Гагарин ҳам билим олганини яхши биларди. Биринчи галда орзуси ушалмади. Ҳарбий хизматни ўтаб, жанговар машиналарни бошқариш, созлаш бобида тажриба орттирди. Солижон полк раҳбарларига ёқиб қолди. Харьков олий авиация билим юртига йўлланма беришди. Ўқишни аълога тугатган ўғлон хизматни давом эттириш учун Ватанига қайтди. Полкда ёшларни «Л—39» самолётларини учувга ҳозирлаш ва парвоз қилишида нозирлик қилди.

Солижоннинг полкдошларидан бири Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий ҳаво кучлари штаби подполковниги Абдуҳамид Абдусалимовнинг ҳикояси ҳам қизиқарли. «Мен Солижондан беш ёшга каттароқ бўлсам керак. Ачинск авиатехникумини битиргандан кейин бирга хизмат қилишга тўғри келди. Илк бор ёшгина лейтенант Солижон Шариповни учратганимда унинг қоракўзлиги эмас, балки инсоний сифатлари ёқиб қолган. Дўстлашиб кетдик. У ҳамиша саранжом-сариштa, ижрочи офицерлардан эди».

1990 йили бу полкдошлар ҳаётида унутилмас воқеалар бўлди. Абдуҳамид Петр-I номидаги ҳарбий академиянинг авиация куллиётида сиртдан ўқишга кирган бўлса, Солижонни космонавтларни тайёрлаш маркази бошлиғи генерал-лейтенант Владимир Шаталов ҳузурига чорлади. Катта лейтенант Шариповни ана шу даъват асосида тиббий комиссиялардан ўтказиш ишлари бошлаб юборилди. У космонавтга хос талаблар — асаб ва руҳ билан боғлиқ синовларга дош берди. Шу тариқа ўзбек йигити космонавтлар сафига қўшилди. Бўстонликдан чиққан космонавт авиация генерал-майори, беш марта коинотга парвоз қилган Владимир Жонибеков ана шу қувончли воқеа арафасида мени сирдош билиб айтган эди: «Ўзаро гап... Назаримда яқин орада биринчи ўзбек космонавти юзага келади. Агар лейтенант Шарипов тиббий кўрикдан ўта олса...» Шу тариқа йигит эътибор топа бошлади. Ўтган йил охирида унга подполковник унвони берилди.

Космонавт номини олган ўғлон кейинги саккиз йил мобайнида тинимсиз машқ ва меҳнат қилишига тўғри келди. Бу орада дўсти Абдуҳамид ҳарбий академияни муваффақиятли якунлади. Солижон бўлса, синовчи-космонавт малакасини олиб, айни пайтда халқаро мақомдаги инженер-эколог дипломини қўлга киритди. Бўш вақтларда «Узбеккосмос» давлат агентлигининг Тошкентдаги «Коинот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тингловчиларига машғулотлар ўтказиб турди.

Бир сўз билан айтганда, 33 баҳорни кўрган Солижон «Индевер» — интилувчи номини олган ҳаво кемасида парвозни давом эттирмоқда. Космик самолёт «Спейс шатлл» экипажи етти кишидан иборат. Унга тажрибали астронавт, авиация подполковниги Теренс Уилкатт бошчилик қилмоқда. Қизиғи шундаки, Солижон ўзи билан Россия, Қирғизистон ва Ўзбекистон давлат тимсолларини, ҳамда чуст дўпписи, шўх ва мумтоз миллий мусиқа ва ёдгорликларни коинотга олиб чиққан. Солижонни хайрли парвоз олдидан АҚШга келган отаси, синглиси ва баъзи қариндошлари ҳам кузатиб қолдилар. Омадингни берсин, ўғлон!

Шахобиддин ЗАЙНУТДИНОВ.

ШАҲЗОДА САФАРГА ЧИҚАДИ

Шри-Ланка ҳукумати Буюк Британия шаҳзодаси Чарлзнинг ташрифи муносабати билан пойтахт Коломбо ва Канди шаҳарларида хавфсизлик чора-тадбирларини кўрмоқда.

Маълумки, шаҳзода февраль ойи бошида Шри-Ланкага сафар қилади. Бундан асосий мақсад Шри-Ланка мустақиллигининг 50 йиллик тантаналарида иштирок этиш ҳамда Буюк Британия қироличаси Элизавет иккинчининг Коломбода яшовчи Артур Кларкка рицарлик унвонини бериш ҳақидаги буйруғини бажаришдир. Сафар вақтида 10 мингга яқин Шри-ланкалик ҳарбийлар ва полиция ходимлари шаҳзода хавфсизлигини таъминлашда иштирок этади.

2. ТУТАШ БОШЛИ ВОВА ВА СЛАВА

Турфа олам, турфа одам

ЁХУД ҒАЙРИТАБИИЙ ТУҒИЛИШЛАР ҲАҚИДА

ВОВА ва Слава исмли сиём эгизаклари Хабаровскдаги туғруқхоналардан бирида дунёга келишган. Уларнинг онаси ўша пайтда 28 ёшда эди, бироқ шу пайтгача ўн марта ҳомиладор бўлишга улгурган. Эгизаклар туғилиши ҳам биринчи марта эмас эди. Шунинг учун уларнинг дунёга келишига она ажабланмади ҳам.

Эгизакларнинг туташлигини ҳисобга олмаганда, бир қарашда организмларида бошқа ғайритабиийликни сезиш қийин эди. Улар туғилганда салкам 5 кило тош босишган, ўзларини яхши ҳис этишиб, оналарини яхши эмишарди.

9 ойлигида улар А. Л. Поленова номли Ленинград нейрожарроҳлик институтининг болалар илмий текшириш институтига ўтказилди ва у ерда илмий кузатиш ишлари олиб борилди.

Эгизакларнинг бош қисми туташган бўлишига қарамай, бошлари иккита ва юзлари ҳам алоҳида-алоҳида, фақат бошининг бириккан жойлари аниқ чизиқ билан ажралмаган эди. Лекин ҳар бирининг бошидаги сочлари ўз томонларига қараб ўсганди. Улар Ленинградга келтирилгач, яна шу нарса аниқландики, уларнинг қўл ва оёқлари гавдаларига нисбатан калта ва нимжон эди. Бундан ташқари эгизакларнинг бошлари туташган бўлишига қарамай, алоҳида мияга эга эдилар. Миялар фаолияти ҳам меъёрда, бунинг устига бир-бирига тобе эмасди. Бу эса эгизаклар бошини операция йўли билан бир-биридан ажратишдек масъулиятли ишда олимларга умид бағишлади. Бироқ қон томирлар тизимининг туташиб, ягона тизимни ташкил этиши олимлар умидини пучга чиқарди. Бу ҳам етмагандек, улардаги туғма рефлекс тизимининг ҳам ягоналиги тиббий кузатувларда маълум бўлди. Қизиғи шундаки, бирининг ўнг оёғи қитиқланса, иккинчиси ҳам ўша оёғини тортиб оларди. Сўнг синамоқ учун чап оёқ қалам билан қитиқланса, иккинчиси ҳам чап оёғини тортиб оларди. Бироқ бу манзарада фарқ бор эди, яъни кимнинг оёғи ости — товони қитиқланса у оёғини тезда тортар, иккинчиси эса 2 — 10 сониядан сўнг оёғини тортиб, муҳофаза этарди. Бу ҳол ҳатто қаттиқ ухлаётган пайтларида ҳам такрорланди.

Дарвоқе, қулай шароитда иккаласи ҳам тенг ухлаб, тенг турарди. Лекин бир неча бор бирининг ўз вақтида ухлашига атайин халақит берилди, шунда у ўйнади, йиғлади, қисқаси турли машғулотлар билан ўзини овутиб ётаверди. Иккинчиси эса бемалол ухлайверди. Аммо кейинги safар унинг уйқуси шеригига қараганда икки баравар узоққа чўзилди.

Бир ярим ёшгача улар чалқанча ётганча кун кечиришди. Сўнг ёнбошлаб ётишни ҳам ўзлаштириб олишди. Бунда иккаласи ҳам бир-бирига қараб ёки аксинча, тескари ўгирилиб ётишарди. Агар бир-бирига қараб ётишса, ияклари кўкракларига қаталиб, бошлари энгашиб қолар, бир-бирига тескари ўгирилиб ётса, бошлари орқага тортилиб, кўзлари ҳам орқага кетарди.

Кейинчалик — икки ёшга боришгач, юришни ўрганишди. Бу пайтда футбол уларнинг энг севимли ўйинига айланди. Тўпни талашиб, бир-бирини суришар, керак бўлса, бемалол эгилишиб, коптокни қўлларига олишарди. Фақат шуниси қийин эдики, ерга эгилиб коптокни ёки бошқа бирор нарсани олиш иштиёқи иккаласида ҳам тенг пайдо бўлиши керак. Акс ҳолда...

БИОЛОГИЯДАН шу нарса маълумки, биологик ва физиологик хусусиятларга кўра, одамларга яқин турувчи одамсифат маймунларда (тўрт оёғида) маҳкам ушлаш рефлекси ўта ривожланган бўлади. Шунинг учун ҳам маймунча туғилибоқ онасининг қорнидаги жунларга тўрт оёқлаб маҳкам ёпишиб олади ва шунчалар қаттиқ ушлайдики, онаси шохдан-шохга сакраса-да, тушиб кетмайди. Янги туғилган одам боласида ҳам худди шундай рефлекс бор, яъни чақалоқ ўз бармоқлари билан онасининг қўлига осилиб, анча вақтгача туриши мумкин. Бироқ айрим анатомик фарқларга кўра, инсон боласининг оёқларида ушлаш рефлекси ривожланмаган. Аммо, Вова билан Славада бундай эмасди. Улар мажруҳ туғилгани учун соғлом болаларга нисбатан айрим ҳаракатлари чекланган эди. Шунинг учун бўлса керак, уларнинг оёқлари бир ярим ёшгача қўл вазифасини ҳам бажарган, яъни оёқ т[illegible]да турган тўп ёки ўйи[illegible]ни ўгирилиш қийин бўлгани учун оёқларида ушлаб, сўнг қўлларига узатарди. Ўйнаш кўнглига теккач, тўпни қўлидан оёғига олар ва оёғи билан улоқтирарди. Бу ҳам уларда кузатилган ғайритабиий хусусиятлардан бири эди.

Уларда яна шу нарса кузатилдики, икки ёшгача бир-бирини гап-сўзсиз тушунишган бўлса, сал улғайгач эса ҳар бири алоҳида шахс сифатида шакллана бошлади. Буни қуйидаги манзарада кўриш мумкин: Вова йиғласа, Слава ўйинини давом этказаверар, ёки аксинча. Ҳатто шундай воқеалар ҳам бўлдики, Вова ва Слава бир-бири билан уришиб, муштлашган пайтлари ҳам кузатилди. Муштлашувга кўпинча ўйинчоқ талашиш сабаб бўларди. Демак, ўн саккиз минг олам у ёқда турсин, ҳатто инсоннинг ўзи ҳам ҳали очилмаган тилсимот экан.

ЭГИЗАКЛАРНИ диққат билан текширган олимлар аввал бошда уларни операция йўли билан ажратиб бўлмаслигидан умидсизликка тушишган бўлса, кейинчалик нейрожарроҳ олимлар кенгаши қатъий хулосага келишди: туташган икки эгизакни алоҳида шахс этиб, жарроҳлик йўли билан бир-биридан ажратиб олиш мумкин эмас экан. Негаки, бирининг ҳаётини асраб қолган билан бошқасининг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин эмас эди. Фақат бирининг ўлими эвазигагина иккинчиси яшаши мумкин эди. Хўш, шундай бўлгач, уларни бир-биридан ажратишга қайси жарроҳнинг қўли боради? Шундай қилиб, сиём эгизаклари яна кузатиш ва инсониятнинг физиологик тилсимотларини ўрганиш учун илмий текшириш институтида қолдирилди. Бироқ кўп ўтмай болаларнинг бири қаттиқ касал бўлиб қолди ва... Иккинчисининг ҳам ҳаётини асраб қолишнинг иложи топилмаганлиги жуда ачинарли бўлди.

Хорижий манбалар асосида
Зулхумор СУЛТОНОВА
тайёрлади.

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 27 yanvar, seshanba № 11 (22.248).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

ҚОРАҚАЛПОҚ ФУТБОЛИНИ ЎЙЛАБ



Қорақалпоғистон ёшлари ҳам футболни жуда севадилар. Минглаб йигит-қизлар халқ севган ўйин билан машғул. Мухлислар эса ҳимоячи Бердақ Алланиёзов, Осиё чемпиони Қодир Ибрагимов, олимпиада терма жамоасининг аъзоси Нағметулла Қутибоев билан фахрланадилар. Биз эса Қорақалпоғистон Республикаси футбол федерациясининг президенти, Республика Вазирлар кенгеси раиси Сафарбой АВЕЗМАТОВ билан Қорақалпоқ футболининг истиқболи ҳақида суҳбатлашдик.

— Сафарбой Йўлдошевич суҳбатимизни ўтган футбол мавсумининг якунидан бошласак?

— Эътироф этиш керак, мустақил юртимизда жисмоний тарбия ва спортга халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Айниқса, миллионлар севган футболни оммавийлаштириш, иқтидорли ёшларни тарбиялаш ишига алоҳида эътибор қилинмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг икки йил аввал эълон қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори амалий ишимизда дастур бўлиб турибди. Албатта, футбол чемпионати узлуксиз давом этмоқда. 1994 йили Қорақалпоғистон биринчилигида 16 жамоа қатнашган бўлса, бултур олий ва биринчи лигада жами 26 жамоа иштирок этди. Барча шаҳар ва туманларда футбол федерациялари тузилган. Қарорга мувофиқ 14 футбол клуби фаолият кўрсатмоқда. Хотин-қизлар ўртасида ҳам футболни оммалаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Жумладан, «Қирққиз» футболчилари Ўзбекистон биринчилигида қатнашиб, совринли иккинчи ўринни эгаллашган бўлса, кубок баҳсида учинчи бўлишди.

— Бу йилги мавсум олдидан минглаб ишқибозларда битта армон, у ҳам бўлса Қорақалпоғистоннинг биронта жамоасини олий лигачилар сафида йўқлиги. Ҳатто бу ҳақда

Қарор ва ижро

юртбошимиз Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидлаб ўтдилар. Сизнингча,»Орол» яна олий лигага қайтармикан?

— Умуман шаънимизга айтилган танқидий фикрдан тўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қиляпмиз. Республика Жўқорғи Кенгеси билан Вазирлар Кенгеси камчиликларни бартараф этиш ҳамда футболни ривожлантириш йўлида саъй-ҳаракатлар қилмоқда. Хусусан, республика Вазирлар Кенгесида ана шу масала алоҳида кўриб чиқилди. Вазирликлар, идоралар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг раҳбарлари билан масаланинг молиявий томони келишиб олинди. Аниқ вазифалар белгиланди. Шу билан бир қаторда «Орол» жамоасини олий лигага қайтариш ҳақида Ўзбекистон Республикаси футбол федерациясига тавсия тайёрланди. Ўйлаймизки, бу илтимос ижобий ҳал бўлади.

— «Орол»нинг ўтган мавсумдаги омадсизлиги оқибатида бу жамоадан кўпгина ўйинчилар Қозоғистон ва Ўзбекистон жамоаларига ўтиб кетишди. Бундай ўзига хос айрилиқлар жамоамизни қайта тиклашда қийинчилик туғдирмасмикан?

— Жамоа олий лига биринчи ўрнини эгаллашган бўлса, кубок баҳсида учинчи бўлишди. Ўйлаймизки, бу илтимос ижобий ҳал бўлади.

— Марказий ўйингоҳни ишга туширилганига 20 йилдан ошди. Бу даврда ўйингоҳ бирон марта ҳам тўлиқ таъмирдан чиқарилмаган. Оқибатда замон талабларига жавоб бермай қолди. Шунинг учун ҳам республика Вазирлар Кенгеси ўйингоҳининг шарқ, жануб ва шимолий ўриндиқларини қайта таъмирлаш ва лан хайрлашгач тажрибали ўйинчиларимизга «чорлов» кела бошлади. Қарабсизки, Қ. Ибрагимов Қозоғистоннинг «Скиф-Ордобаси», Н. Қутибоев Фарғонанинг «Нефтчи», О. Камишов, «КамАЗ-чалли», Қ. Тўраев, А. Абдуллаев «Машъал», Б. Алланиёзов «Хоразм» жамоаларига ўтиб кетишди. Сўзсиз бундай тажрибали ўйинчилар ўрнини тўлдириш осонмас. Борди-ю «Орол» яна олий лигада ўйнайдиган бўлса, бу йигитларнинг барини ўз сафларига қайтариш йўлида изланамиз.

— Истиқболли ёшларни тарбиялаш борасида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Бу йўналишда бир қатор ишлар қилинган. «Футбол ғунчалари» мусобақасининг ўтказиб келинаётгани ўсмирлар ўртасида умидли ўйинчиларни саралашда аҳамияти катта бўлаяпти. Икки йилдирки, Нукус шаҳрида очилган махсус мактаб-интернат бўлажак футболчилар билан гавжум. Уларга тажрибали мураббийлар устозлик қилишмоқда. Бултур мактаб-интернатни битирган ўсмирлар бугунги кунда республика жамоаларида тўп суришмоқда. Бундан ташқари касаба уюшмалари йўли билан, Халқ таълими вазирлигининг саъй-ҳаракати спортнинг футбол турини янада оммавийлаштиришга эътибор қаратилмоқда.

— Марказий ўйингоҳда қурилиш ишлари жуда сust бораётгандай. Умуман ўйингоҳларнинг мавсумолди аҳволи ҳақида сўзласангиз?

— Марказий ўйингоҳни ишга туширилганига 20 йилдан ошди. Бу даврда ўйингоҳ бирон марта ҳам тўлиқ таъмирдан чиқарилмаган. Оқибатда замон талабларига жавоб бермай қолди. Шунинг учун ҳам республика Вазирлар Кенгеси ўйингоҳининг шарқ, жануб ва шимолий ўриндиқларини қайта таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига 43,4 миллион сўм ажратган. Афсуски, баъзи сабабларга кўра қурилиш вақтинча тўхтаб турибди. Биз яна қўшимча маблағ ажратиш чораларини кўряпмиз. Ўйингоҳ янги мавсумга ҳар жиҳатдан таъмирланган бўлишига эришамиз. Бундан ташқари Тўрткўл, Беруний, Бўстон, Манғит, Хўжайли ва Қўнғирот шаҳар ўйингоҳларини ҳам қайта таъмирлаш кўзда тутилган. Муҳими, бозор иқтисодиёти шароитида футбол жамоаларию ўйингоҳларни ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитига мослаштириш бошланган. Бир сўз билан айтганда Қорақалпоқ диёрида футбол мавсумини байрамона қаршилаб, мухлисларни мамнун этишга ҳаракат қиламиз.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири,
Д. АБИБУЛЛАЕВ,
«Еркин Қорақалпоғистон» мухбири.

ПОЧТА, ЯНГИ КОНВЕРТЛАР... ФРАНЦУЗ ТИЛИ

Ислоҳот ва масъулият

1997 йилнинг сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикасида халқаро андозадаги конвертлар жорий этилди. Агар бирор жойга хат ёзмоқчи бўлсангиз, эски конвертларга ҳожат қолмади, ҳозирги конвертлар ўлчами 110x220 миллиметр бўлган оқ қоғоздан тайёрланган. Бутун дунёда конверт бичимига шундай талаб қўйилган. Тилга ҳам алоҳида талаблар қўйилади. Табиийки, республикамиз ичида ўзбек, рус тилларида ёзилади.

Энди Қирғизистонга — қирғизча, Украинага — украинча, Тожикистонга — тожикча ва ҳоказо тилларда ёзасиз. Узоқ хориж давлатига хат ёзсангиз, ўша тилда ёки француз тилида ёзиш мумкин, чунки халқаро «почта» тили сифатида француз тили қабул қилинган. Шунинг учун хориждан хат олсангиз, конвертни йўқотманг, чунки у халқаро почта қонуни асосида ёзилган бўлади.

Ҳар бир почта ходими кўп тилларни билиб олиши мушкул, албатта. Шунинг учун пойтахтимизда хатларга халқаро ишлов бериш пункти мавжуд. Вилоятлардан юборилган хатларга оз бўлса-да, хат юборувчилар ҳам эътибор берсалар яхши бўларди. Юборилган хатлар қайтиб келишига асосий сабаб — кўпроқ елим ишлатилган бўлиши ёки ўчириб ёзилганлигидир.

Вилоятлардан хатлар Тошкентга боради ва у ерда қайта сараланади, эҳтиёж бўлса, таржима қилиниб, манзиллари яна ўша ерда ёзилиб, юборилади.

Биз почта соҳасининг янги сўровларига жавобан республикамизнинг гўзаллигини, тарихий ёдгорликларини ва энг яхши фазилатларини конвертга ёпиштирилган марка орқали акс эттиришимиз керак.

«Сурхондарё давлат почта бошқармаси» корхонаси 1997 йилнинг 29 октябридан «Сурхондарё почтаси» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Республикада биринчи бўлиб, биз акцияларни ўз ишчи-ходимларимизга (тааллуқли бўлган қисмини) тарқатдик. Бошланғич қиймати минг сўм бўлган акцияларни почта ходимларимиз сотиб олдилар.

1998 йил учун обуна Сурхондарёда зўр уюшқоқлик билан ўтказилди. Биз мамлакатда иккинчи ўринни эгалладик. Вилоят ҳокимининг муовини Муҳиддин Абдуллаев бу ишга бош-қош бўлди. Энг яхши натижага эришган Сариосиё тумани ўтган йилгига нисбатан 190 фоиз кўп обуна бўлишга, Шўрчи, Музработ туманлари ҳам яхши натижаларга эришди.

Бундан ташқари, 1997 йилда тизимимизда бир қанча техникавий ўзгаришлар қилдик. Пенсияларни, сотилган акцияларимизнинг дивидендлари ҳам оймаой тўлаб борилишини йўлга қўйдик.

Бизга тижорат ишлари билан шуғулланиш учун ҳам рухсат берилган. Анъанавий бўлмаган почта хизмати турларини йўлга қўйдик. Масалан, давлат автомобиль назорати жарималарини йиғиш, электр энергияси тўловларини аҳолидан қабул қилиш, мулк солиғини йиғиш ва ҳоказо. Тушган даромад ҳисобидан ишчи-хизматчиларимиздан 70 киши бепул йўлланма билан санаторийларда дам олиб келдилар.

Ўз мижозларимизни йўқотмаслик, почта жўнатмаларини ўз вақтида эгаларига етказиб бериш, мижозларга хушмуомалалик билан хизмат кўрсатиш — ишимизнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Узоқ тоғ ва қишлоқларда хизмат кўрсатувчи почтальонларимиз кўп. Уларнинг оғирини енгил қилиш мақсадида даромадимиздан «Дамас» машиналари сотиб олдик.

Маҳмуд МУҲАММАДИЕВ,
«Сурхондарё почтаси» давлат ҳиссадорлик жамияти бош директори.

Латифалар

ХАВОТИРЛИ ЕРИ ЙЎҚ

Бетоб киши шифокор ҳузурига келиб шикоят қилди.

— Дўхтир, мен туни билан мижжа қоқмай чиқяпман. Ёрдам беринг, нима қилай?

— Сиз хаёлан бир қўра қўйни санаб кўрдингизми?

— Санаб кўрдим, ҳеч фойдаси бўлмади-ку? Соғлиғимдан хавотирдаман.

— Ҳеч хавотирли ери йўқ. Унда сиз, ҳар бир қўйдан ўз таржимаи ҳолини айтиб беришини сўранг.

ХАЙРИЯТ, ЙЎҚОТМАБМАН

Мижоз тунги қовоқхонага қайтиб келди.

— Кечаси шу ерда тунаб қолувдимми?

— Шу ерда.

— Пулимнинг ҳаммасини ичиб тугатдимми?

— Ҳаммасини!

— Э,жин урсин! Минг қатла шукур, мен бўлсам йўқотибман деб хавотирланиб юрибман-а?!

МАШИНАНГ ШАЛОҚДИР-ДА

Бойвачча йигит ошнасига дала ҳовлисини таърифлаб деди:

— Эҳ-э, чорбоғимнинг у бошидан бу бошига етгунча машинада икки кунлик йўл.

— Тушунаман аҳволингни, аввал менинг машинам ҳам шунақа шалоқ арава эди, — деди суҳбатдоши унга ачинган бўлиб.

«Улгайсанг, йўлбарс бўласан».

Ўктам ШАРИПОВ олган сурат.

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 42-ўрта мактаб томонидан 1989 йилда Дилшод Абдуғаффоров номига берилган 168774 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



"ТОШКЕНТМЕБЕЛЬ" ҳиссадорлик жамияти





Ўзининг фирма дўкони орқали кенг турдаги мебель жиҳозлари:

— ётоқхона учун мебеллар тўплами;
— кўп мақсадда ишлатиладиган идиш-товоқлар жавони;
— юмшоқ мебеллар тўплами;
— офис мебеллари;
— кийим-кечак шкафлари;
— кроват, тўшак ва банкеткаларни

нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан **СОТАДИ.**

Жиҳозлар 10 фоиз арзонлаштирилган нархда сотилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Магазин Мавзук кўчаси, 245-уй, 43-автобуснинг охирги бекати. Телефонлар: 48-68-89, 48-37-50.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ — (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс— 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи Б. АБДУСАТТОРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 32021 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0887

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА